Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети

Обунанга 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 17 ноябрь, сешанба № 226 (21.324).

ВОДИЙДА БИРИНЧИ

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ДЕҲҚОНЛАРИ 309 МИНГ ТОННАДАН ЗИЁД ПАХТА ТАЙЁРЛАБ, ЙИЛЛИК РЕЖАНИ АДО ЭТДИЛАР

— Пахтакорларимиз йил бўйи меҳнат қилиб етиштирган бу ҳосилга қандай лоқайд қараб туриш мумкин,— дейди у пайкалларга ишора этаркан. — Ахир бу бойлигимиз-ку! Ана шу мақсадда биз ҳам деҳқонларга баҳоли қудрат ёрдам беряпмиз. Қоларверса ўқитувчи-профессорларнинг маоши ошаётгани, уларга яратилаётган шароит ҳамда талабаларга берилаётган стипендиялар ҳам мана шу республикамиз халқи, қадоқ қўл деҳқонлар меҳнати эвазига эканлигини яхши биламиз.

Шу пайтга қадар талабаларнинг уйган хирмони 2 минг тоннадан ошиб кетди. Уларнинг ҳар бири кунига ўртача 30-40 килограммдан «оқ олтин» теришяпти. Рус тили ва адабиёти факультетидан М. Орифхўжаева, З. Худойбердиев, бошланғич таълим методикаси факультетидан С. Бадалова, тарих-география ва математика факультетларидан Х. Адашев. М. Сотимова ва А. Назарова, А. Саматова каби чевар теримчи-талабалар эса кунига 50-60 килограммдан пахта териб, пешқадамлик қилмоқдалар. Улар ҳар бирининг мавсум бошидан буён терган пахтаси 2-2,5 тоннадан ошиб кетди.

— Бўлимимиз жамоаси университетининг жисмоний тарбия факультети билан мустаҳкам алоқа ўрнатган, — дейди Задарё районидаги «Гулбоғ» совхозининг бешинчи бўлими бошлиғи О. Мирзаев. — Олти йилдан буён улар фақат бизга ёрдамга келишади. Талабалар маҳаллий халқ билан ота-боладай бўлиб қолишган. Факультетда асосан ўғил болалар бўлгани учун ҳам кексалар, боқувчиси йўқ оилаларга шахсий томорқаларини йиғиштириш ва қишга тайёргарлик кўришда ёрдам беришади.

Қаерда меҳр-оқибат бўлса, инсоний фазилатлар қадр топса, ўша ерда иш унумли бўлишига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Жисмоний тарбия факультети талабалари мавсум бошидан буён дорилфунун бўйича биринчиликни қўлдан бермай келишаркан.

— Факультетимизда талабалар пахта теришда қиздардан қолишмаяпти, — дейди ҳазиллашиб факультет декани Х. Усмонов, — Ф. Турғунов, Т. Каминов. Б. Ҳамидов каби талабалар 70-80 килограммдан пахта теришяпти. Факультетимиз талабалари уйган хирмон 600 тоннадан ошиб кетди.

А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДАҚИҚАЛАР ҚАДРИ

Биз Задарё, Поп районлари хўжаликларининг пахта далаларида деҳқонга ёрдамга келган талабалар ҳузурида бўлдик. Наманган давлат университети ректори, профессор, Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати М. МАМАТОВни ҳам пахтазорда учратдик.

ҚУТЛОВ

НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ПАХТАКОРЛАРИГА, МЕХАНИЗАТОРЛАРИГА, ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сизларни Наманган деҳқонларининг катта меҳнат зафари билан табриклашдан беҳад бахтиёрман.

Бу ғалаба — биринчи навбатда оби ҳаво инжиқликларига ўз ирода ва матонатини қарши қўя олган тадбиркорларнинг, эл-юрт учун ўзини аямаган оддий меҳнаткашларнинг ва кунни-тунга улаб меҳнат қилган фидоий деҳқонларнинг ғалабасидир.

Хирмондаги ҳосил — шубҳасиз эл-юртнинг бойлигидир, айни пайтда у Тангри инъом этган халқ насибасидир. Унинг ҳар бир мисқолини нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ва халқ бойлигини кўпайтириш шу куннинг муҳим вазифасидир.

Пок ниятли Наманган аҳлининг меҳнат шижоатига мен доимо чуқур ҳурмат билан қарайман. Наманган ўзининг маърифатпарварлари ва зукко кишилари билан бир қаторда заҳматкаш деҳқонлари ва бунёдкор сиймолари билан ҳам ном қозониб келган. Бугун наманганликларнинг Мустақиллик довонидаги катта ғалабасидан ғоят мамнунман. Бу ғалаба барча холис ниятли кишиларнинг келажакка бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Барча меҳнат аҳлига энг самимий истаклар тилаб қоламан.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 16 НОЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун— вилоятлар; иккинчи устун— бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Қашқадарё	0,51	102,88
Бухоро	0,32	102,01
Наманган	0,91	99,96
Фарғона	0,70	97,76
Андижон	0,80	97,39
Тошкент	0,86	89,97
Сурхондарё	0,84	89,66
Навоий	0,88	88,65
Сирдарё	1,14	86,54
Хоразм	0,65	84,92
Жиззах	1,03	82,21
Қорақалпоғистон Республикаси	0,80	82,00
Самарқанд	1,13	73,06
Республика бўйича	0,79	91,41
1991 йилдагиси	0,00	104,70



Поп районидаги «Поп» давлат хўжалигида ҳосилнинг 80 фоизи машиналар билан йиғиштириб олинди.

СУРАТДА: илғор механик-ҳайдовчилардан Одилжон Олчинов, Собиржон Боймирзаев, Илҳомжон Йўлдошев, Алижон Турдиалиев. Уларнинг ҳар бири мавсумда 180—200 тоннадан хом ашёни машиналар бункеридан ағдаришди.

П. АКБАРОВ олган сурат.

ҲОКИМЛАР ҲИСОБ БЕРИШМОҚДА

Наманган вилоятида халқ ноиблари шаҳар ва район кенгашларининг сессиялари ўтмоқда. Уларда муҳокама қилинаётган асосий масала ҳокимларнинг йил бошидан буён аҳолига оширган ишлари тўғрисидаги ҳисоботларидир.

Косонсой шаҳар кенгашининг сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков нутқ сўзлади. Сессия ишида вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев қатнашди.

Чортоқ шаҳар кенгашининг сессиясида шаҳар ҳокими Б. Ҳайдаров ҳисобот берди. Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат кенгашчиси М. Б. Умурзоқов қатнашди.

МЕҲНАТИМИЗ САМАРАСИ

Вилоятимиз пахтакорлари онадан зиёд қимматли саноат хом рани эгалладилар. Ҳар гектар ердан қарийб 29 центнердан ҳосил олинди. Ҳосилнинг ҳаммаси юқори сортларга сотилди. Шундан 30 минг тоннаси эса уруғлик пахтани ташкил этади. Ватан хирмонига 309 минг тоннадан ашёси армуғон этиб, йиллик мар-

Бу ғалаба осонликча қўлга киритилгани йўқ. Табиий офатлар оқибатида 50 минг гектар пахта майдонини қайта-қайта бузиб экишга тўғри келди. Фақат қишлоқ хўжалигининг ўзидан 250 миллион сўм зарар кўрилди. Лекин шунга қарамай деҳқончиликка илмий асосда ёндашилгани, мутахассислар, деҳқонларимизнинг жонбозлиги туфайли табиий офат оқибатлари бартараф этилди.

Вилоятимиз меҳнат ғалабасига Чортоқ, Янгиқўрғон, Норин, Поп ва Тўрақўрғон райони пахтакорлари муносиб ҳисса қўшдилар. Бу районлар хўжаликларида ҳар гектар ердан олинган ҳосил 31-36 центнерни ташкил этди. Чортоқ районидаги Навоий номли, Наманган районидаги «Ғайрат», Норин районидаги «Бўстон», Поп районидаги «Сирдарё», Тўрақўрғон районидаги «Ибрат» номли хўжаликлар ҳосилдорликни гектар бошига 35-42 центнерга етказишга эришдилар. Задарё районидан А. Мамажонов, Тўрақўрғон районидан А. Ғаниев, Норин районидан Ф. Йўлдошев, Уйчи районидан О. Тешабоева каби кўплаб оилавий пудратчилар ҳар гектар ердан 45-48 центнердан хирмон кўтардилар.

Бу муваффақиятни қўлга киритишимизда колхозчилар, совхоз ишчилари, шонли механизаторлар, миришкор сувчилар, агросаноат уюшмаси ходимлари ва мутахассислари билан биргаликда ҳокимият, касаба ва ёшлар уюшмалари ташкилотларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Улар олиб борган ташкилотчилик, сиёсий, тарбиявий ишлар юксак даражада ташкил этилганини таъкидлаш ўринли.

Бу йил далаларимизда 151 минг киши этак боғлаб пахта терди. Улкан хирмонни бунёд этишда халқ депутатлари, Халқ демократик партияси аъзолари, ёшлар уюшмаси намуна кўрсатдилар.

Йиғим-терим даврида кўпмингкилограммчилар ҳаракати оммавий тус олди. Бу ҳаракатга қўшилган Поп районидаги Худойберганов номли жамоа хўжалигидан Д. Эгамбердиева, Уйчи районидаги «Қизил равот» давлат хўжалигидан Х. Қамбарова, Тўрақўрғон районидаги «Олтин водий» жамоа хўжалигидан С. Холмирзаева, Янгиқўрғон районидаги «Қораполвон» давлат хўжалигидан Ж. Ҳожиева каби юзлаб теримчилар мавсумда 6-11 тоннадан пахта териб, хирмонга баракали ҳисса қўшдилар.

Мавсумда 150-220 тонна пахта теришга эришган Задарё районидаги «Гулбоғ» давлат хўжалиги механизатори С. Қорабоев, Норин районидаги «Ғалаба» жамоа хўжалигидан А. Тўхтаров, Поп районидаги «Қўштепа» жамоа хўжалигидан А. Бойназаров ва бошқа ўнлаб дала суворийлари сидқидилдан меҳнат қилдилар.

Йиғим-терим даврида мусобақанинг оммавийлиги ва таъсирчанлигини оширишга алоҳида эътибор берилди. Хўжаликлар, бригадалар, теримчилар, механизаторлар ўртасида беллашув ҳар беш кунда якунланиб ғолиблар моддий ва маънавий рағбатлантириб борилди.

Пахтакорларга вилоят маданият, медицина, маиший хизмат, алоқа ва савдо ходимлари ҳам яқиндан ёрдам бердилар. Бугунги шодиёна дамда вилоятимиз меҳнаткашлари номидан дўстона маслаҳат ва амалий ёрдам берган мусобақадош Самарқанд вилояти пахтакорларига миннатдорчилик билдирамиз.

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг хўжаликларнинг 30 фоиз қўшимча солиқдан озод қилиш тўғрисидаги Фармонига биноан 1,9 миллиард сўм, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархлари ошишидан эса 2,6 миллиард сўм иқтисодий манфаат кўрилгани дала меҳнаткашларининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, вилоятда қишлоқ хўжалигидан олинадиган пул даромади 12 миллиард сўмга етади. Бу эса ўтган йилга нисбатан 8 миллиард сўм кўп демакдир. Соф фойда 2,5 миллиард сўмни ташкил этади. Деҳқонча қилиб айтганда, бир ишловчининг ўртача йиллик иш ҳақи 30-35 минг сўмга, ҳар гектардан олинадиган даромад 55 минг сўмга етади. Иқтисоддаги бу муваффақият халқ хўжалигида ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларни тезроқ ҳал этиш имконини беради.

Пахта тайёрлаш плани бажарилган бўлса-да йиғим-терим давом этмоқда. Она-Ватанга яна 15 минг тонна пахта етказиб бериб, ҳосилдорликни 30 центнердан оширамиз.

Б. РАПИҒАЛИЕВ,
Наманган вилояти ҳокими.

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

Австрия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган доктор Фридрих Бауэр мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи Австрия билан Ўзбекистон ўртасида дипломатия алоқаларининг ўрнатилиши мамлакатларимизнинг қизғин иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлигига хизмат қилади, деб ишонч билдирди.

Ислом Каримов Марказий Европада жойлашган Австрия Республикасининг минтақадаги ва дунёдаги бошқа давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлик соҳасида орттирган тажрибалари бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатимиз учун ибратлидир, деди. Давлат бошлиғи Ўзбекистон билан Австрия ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилгандан сўнг мамлакатларимиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида ўзаро ҳамкорлик фойдали ва давомий бўлажак, деб умид билдирди.

Ишонч ёрлиғини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов ҳозир бўлди.

(ЎзА).

АВСТРИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ДОКТОР ФРИДРИХ БАУЭР

Доктор Фридрих Бауэр Вена шаҳрида 1930 йил 23 октябрда туғилган.

1948 — 1953 йиллар — Вена дорилфунуни ҳуқуқ ва иж-тимоий-сиёсий фанлар факультетида ўқиди.

1953 йили — Ҳуқуқшунослик фанлари доктори унвони берилди.

1953 — 1955 йиллар — Ташқи ишлар федерал идорасида атташе вазифасида хизмат.

1955 — 1958 йиллар — Австрия канцлери девонида ташқи ишлар бўлимида атташе вазифасида хизмат.

1958 — 1960 йиллар — Австриянинг Белграддаги (Югославия) элчихонасида атташе.

1960 — 1963 йиллар — Ташқи ишлар федерал вазирлигида маслаҳатчи.

1963 — 1967 йиллар — Австриянинг Тель-Авивдаги (Исроил) элчихонасида маслаҳатчи.

1967 — 1970 йиллар — Ташқи ишлар федерал вазирлигининг маслаҳатчиси — ишлар вакили.

1970 — 1973 йиллар — Ташқи ишлар федерал вазирлигининг халқаро анжуманлар ва ташкилотлар бўйича бюроси мудири.

1973 — 1977 йиллар — Австриянинг Берлиндаги (ГДР) элчиси

1977 — 1979 йиллар — Ташқи ишлар федерал вазирлиги сиёсий бошқармасининг бўлим бошлиғи ва сиёсий мудир ўринбосари.

1979 йил — Ташқи ишлар федерал вазирлигининг элчи унвонидаги сиёсий бошқарма мудири.

1983 йил — Ташқи ишлар бўйича бош котибнинг ўринбосари.

1986 — 1990 йиллар — Австриянинг Бонндаги (ГФР) элчиси.

1992 йил май ойидан бошлаб Австриянинг Москвадаги элчиси.

1992 йил июнь ойидан бошлаб Австрия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги ўриндошлик бўйича фавқулодда ва мухтор элчиси.

Инглиз, француз, рус, испан, можар, олмон тилларини билади.

Оилали, бир қизи бор.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ.

ХХР ДАВЛАТ КЕНГАШИ АЪЗОСИ, ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ЦЯНЬ ЦИЧЭННИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

18 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати таклифига биноан ХХР Давлат кенгаши аъзоси, ташқи ишлар вазири Цянь Цичэнь мамлакатимизга расмий дўстона ташриф билан келмоқда.

Ўзбекистон халқи дўст Хитой халқининг вакилини самимий қутлаб, ушбу ташриф 1992 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг ХХРга расмий ташрифи чоғида бошланган икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг янада ривож топишига кўмаклашади деб умид билдиради.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ, ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ЦЯНЬ ЦИЧЭНЬ

Цянь Цичэнь Тяньцзин шаҳрида 1928 йилда туғилган.

1942 йилда Хитой коммунистлар фирқасига кирган. Хитойда инқилоб ғалабасига қадар талабалар орасида яширин фаолият билан шуғулланган.

1949 йилдан Шанхай шаҳрида комсомол ташкилотида ишлаган.

1953 йили Хитой комсомоли Марказий Қўмитасида ишлаган.

1954 йили СССРда олий комсомол мактабида ўқиган.

1955 йилдан бошлаб Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги элчихонасида II котиб, шўъба бошлиғи ва ХХР олий таълим вазирлиги бўлим мудири ўринбосари вазифаларида ишлаган.

1972 йили — ХХРнинг СССРдаги элчихонаси маслаҳатчиси.

1977 — 1979 йиллар — Ташқи ишлар федерал вазирлиги сиёсий бошқармасининг бўлим бошлиғи ва сиёсий мудир ўринбосари.

1979 йил — Ташқи ишлар федерал вазирлигининг элчи унвонидаги сиёсий бошқарма мудири.

1983 йил — Ташқи ишлар бўйича бош котибнинг ўринбосари.

1986 — 1990 йиллар — Австриянинг Бонндаги (ГФР) элчиси.

1992 йил май ойидан бошлаб Австриянинг Москвадаги элчиси.

1992 йил июнь ойидан бошлаб Австрия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги ўриндошлик бўйича фавқулодда ва мухтор элчиси.

Инглиз, француз, рус, испан, можар, олмон тилларини билади.

Оилали, бир қизи бор.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВга

ЗАФАРОБОД РАЙОНИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБА РАПОРТИ

Зафаробод райони Жиззах вилоятида биринчи бўлиб маррага етди. 13380 гектар ерга чигит экиб эл хирмонига 31500 тоннадан зиёд пахта армуғон этилди. Ҳар гектар ердан 24,8 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Бу йилги шароитда пахта етиштириш осон бўлмаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Табиат районимиз деҳқонлари бардошини қайта-қайта синовдан ўтказди. Баҳорда кетма-кет жала қуйиб, дўл ёғди, сел натижасида суғориш ва ичимлик суви тармоқлари, қўприклар жиддий зарарланди. Бир қанча хўжаликларда чигитни 3—4 марталаб, июнь ойининг бошларида ҳам қайта экишга тўғри келди.

Меҳнаткашларимиз иродаси табиат инжиқликларидан устун келди. Деҳқончиликдаги барча қийинчиликлар мардонавор бартараф этилди. Пахтачиликдаги ҳар бир агротехник тадбир сифатли бажарилиши таъминланди. Натижада далаларда мўл ҳосил етиштирилди.

Хўжаликларнинг маъмуриятлари, район ташкилотлари билан биргаликда пахта теримига пухта ҳозирлик кўрилишига эришилди. Мавжуд 315 та пахта териш, 68 та кўрак териш машиналари теримга сифатли ҳозирланди, терим бошлангунча ҳар бир машина қайта-қайта назоратдан ўтказилди. Бу эса ўз навбатида уларнинг иш унуми юқори бўлишига олиб келди.

Теримнинг бориши район пахта штабида ҳар куни кечаю-кундуз муҳокама қилиниб, юзага келган муаммолар ўз вақтида ҳал қилиниб борилди. Ишлар «Дала—бункер— тележка— қабул пункти» усули асосида ташкил қилинди. Штаб қошидаги меҳнатга ҳақ тўлаш, сифатни текшириш, дала меҳнаткашларига шарт-шароит яратиш бўйича комиссиялар иши намунали йўлга қўйилди.

(Давоми иккинчи бетда).

РЕЖА УСТИДАГИ ВАЪДА БАЖАРИЛДИ

ҚУВА. (Журналист М. Орипов кеча телефон орқали хабар қилди). Тажрибали пахтакор Мусажон Шербўтаев бошчилик қилаётган «Гулистон» жамоа хўжалиги деҳқонлари 24 октябрда 1254 гектар пахта майдонининг ҳар гектари ҳисобига 25,6 центнердан ҳосил олиб йиллик режани бажарган ва қўшимча яна минг тонна пахта териб топшириш мажбуриятини олган эдилар. Бугун улар ана шу ваъданинг устидан чиқдилар. Ҳосилдорлик гектар бошига 33,5 центнерга етди. Топширилган 4210 тонна хом ашёнинг тенг ярми биринчи навларга сотилди.

16 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистонда ваколатхонасини очиш хусусида»ги битим имзоланди. Битимга Ўзбекистон Республикаси номидан ташқи ишлар вазири Убайдулло Абдураззоқов имзо чекди.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Ташқи ишлар вазири Республиканинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кириши халқимизнинг азалий орзуси эди, шунинг учун Тошкентда фаолият кўрсатаётган бошқа давлатларнинг элчихоналари силсиласида халқаро ҳамжамият ваколатхонасини бош элчихона деб ҳисоблаймиз, деди.

Ваколатхона очилгандан сўнг, деди Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг вакили Холид Малик, халқаро ҳамжамият маҳкамалари иқтисодиёт, дипломатия, сиёсатшунослик соҳаларида мутахассис тайёрлашда ёш давлатингизга ёрдам беришга киришади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВга

ЗАФАРОБОД РАЙОНИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБА РАПОРТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Терим ишлари уюшқоқлик билан ташкил қилингани, механизатор ва қўл терими иштирокчилари учун қулай шарт-шароитлар яратилганлиги ўзининг ижобий самарасини кўрсатди. Мавсум давомида 10 кунга яқин 5—5,5 фоиздан ошириб пахта тайёрланди, бошқа пайтлари ҳам терим суръати юқори бўлди.

Районнинг ғалабасига С. Раҳимов номли, Охунбобоев номли, «Уч қаҳрамон», Ф. Хўжаев номли давлат хўжаликлари, вилоятда биринчилардан бўлиб йиллик режани ўринлатган «Тинчлик» ижара корхонаси деҳқонлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Бугун хўжаликлардагина эмас, районда ҳам донг таратган кўплаб тадбиркор бригада ва звено бошлиқлари номини фахр билан тилга олиб ўтишимиз керак. Булар орасида С. Раҳимов номли давлат хўжалигидан Х. Жуманов, К. Ражабов, Б. Маллаев, «Уч қаҳрамон» давлат хўжалигидан Т. Бердибеков, Н. Қулмирзаев, У. Қораболаев, Охунбобоев номли давлат хўжалигидан Қ. Қудратов, А. Эшонқулов, Ф. Хўжаев номли давлат хўжалигидан М. Умаров, Я. Кенжаев, «Тинчлик» ижара корхонасидан К. Тошев каби тадбиркор раҳбарлар, ишбилармон деҳқонлар бор. Улар бошлиқ бригада ва звеноларда ҳосилдорлик 28—35 центнерга етказилди.

Эришилган ғалабада шоҳли механизаторларимизнинг ҳиссаси ғоят катта бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Чунки механизаторларимиз ялпи ҳосилнинг 29 минг тоннага яқинини ўз агрегатлари билан териб беришди. Ҳар бир машина билан ўртача 95 тоннадан пахта териб олинди. Ўнлаб техника жиловкорлари, жумладан, Х. Аҳмедов, С. Маъқулбеков, Т. Жийронов, Т. Райимқулов, Т. Ҳасанов, О. Тошев, Т. Колменов, О. Султоновлар ҳозиргача 180—200 таннадан пахта теришди.

Ҳали далаларимизда ҳосил кўп. Шу мақсадда терим суръатини бўшаштирмасликка ҳаракат қиламиз. Мустақиллик ялпи хирмонини 33 минг тоннага етказамиз деб сўз берамиз!

С. АБДУСАТТОРОВ,
Зафаробод райони ҳокими.

СУРАТЛАРДА: (чапда) Зафаробод районидаги Собир Раҳимов номли давлат хўжалиги илғор бригадири Б. Маллаев, район ҳокими С. Абдусатторов, хўжалик директори Т. Эргашев; машина терими пайти.

Суратқашлар С. РАҲИМОВ билан Е. БОТИРОВ.

ЎРГАНАМИЗ, ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

Халқимиз бир асрдан ортиқ вақт мобайнида кутган мустақиллик кунига етдик. Бугунги кундаги ягона мақсадимиз, фикри-зикримиз ушбу неъматни асраш, авайлаш ва уни тўлалигича авлодларимизга топширишдир.

Мустақил республикамизнинг Конституцияси лойиҳаси ҳамда Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли китоби аҳолининг барча табақалари орасида қизғин муҳокама қилинаётганлиги, ўрганилаётгани ҳам мустақил республикамиз ижтимоий ҳаётида муҳим сиёсий воқеадир.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳам барча ўқув юртлари жамоаларида Конституция лойиҳаси ҳамда Президентимиз китобини кенг муҳокама этиш ва атрофлича ўрганиш тадбирларини ишлаб чиқди. Бу тадбирларни ҳаётга татбиқ этишни жадаллаштириш мақсадида яқинда вазирлик ходимлари олий ва ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Конституция лойиҳасини муҳокама қилиш ва «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласини ўрганиш бўйича семинар-кенгаш ўтказди.

Ҳар иккала масала бўйича муҳокамада Тошкент Давлат аграр университети ректори Э. Шайхов, Тошкент Давлат молия институти ректори М. Шарифхўжаев, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректори Ҳ. Алимова, Тошкент Давлат маданият институти ректори А. Тўраев ва бошқалар сўзга чиқиб, кенгаш-семинарда кўрилган масалалар ниҳоятда долзарб эканлигини таъкидлашди.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълими вазири Ж. Абдуллаев эса ўрганилаётган, муҳокама этилаётган бу икки ҳужжат республикамиз ижтимоий ҳаёти учун ўта муҳим эканлиги ва бир-бири билан ўзаро боғланиб кетганлигини, Конституция жамиятимиз, ҳаётимиз қонуни, И. А. Каримов рисоласи эса шу Конституцияда белгиланган республикамиз аҳлининг мақсадни рўёбга чиқаришга оид стратегияни ёритганлиги ҳақида сўзлади. Сўнг ҳозирги иқтисодий қийин шароитда талабаларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги ҳукумат тадбирлари, вазирлик олдига қўйилган вазифалар ҳақида гапирди.

А. ҒАППОРОВ,
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бош мутахассиси, иқтисод фанлар номзоди.

МУҲОКАМА ҚИЗҒИН ЎТДИ

Навоий вилоят ҳокимлигидаги йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси ва Президентимиз И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китоби кенг муҳокама қилинди. Йиғилишда район ва шаҳар ҳокимлари, ЎзХДП вилоят кенгаши котиблари, Ўзбекистон халқ депутатлари қатнашдилар.

Маърузалардан кейин ўзаро фикр алмашишлар бўлди. Унда Нурота туманидаги «Ўзбекистон» давлат хўжалиги директори А. Умрзоқов, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг иккинчи котиби Л. Юрикова, Нурота райони ҳокими, республика халқ депутати З. Нуриддинов, вилоят ҳокимининг ўринбосари В. Уласович ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Йиғилишга вилоят ҳокими А. А. Айдарқулов якун ясади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси ҳамда Президентимиз И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китоби районларда, қишлоқ ва овулларда ҳам кенг муҳокама қилинмоқда.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАМЛАКАТИМИЗ БЎЙЛАБ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА ЎзА МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

А. С. Пушкин номидаги Самарқанд вилоят кутубхонаси жамғармаси 200 та нодир китоб билан бойиди. Уларни лондонлик китобсеварлар туҳфа этишди. Бу Англия пойтахтида ўтаётган Россия ва собиқ иттифоқ республикаларига — миллионта китоб» хайрия марафонининг дастлабки ҳадясидир. Тадбир лондонлик эр-хотин ёзувчилар Грейф Рожед ва Ричардс Сюзан ташаббуси билан ўтказилаётир. Инглиз халқи бу ташаббусни қўллаб-қувватлади, қисқа вақтда бир миллионта китоб тўпланди.

● **Бухоро енгил ва озиқ-овқат саноати институтининг енгил саноат машина ва аппаратлари кафедраси мудири Ф. Ражибоев бошлиқ бир гуруҳ олимлари кўчма пахта тозалаш заводи яратиш устида иш олиб бормоқдалар.**

Митти завод махсус тележкага ўрнатилган бўлиб уни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш жуда осон. Митти корхонани ишлаб чиқариш синовидан ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда. Унинг лойиҳа қуввати бир соатда 3 тонна хом ашёни қайта ишлашга имкон беради.

Маҳаллий олимларнинг келгусида митти заводни пахта териш машинаси билан бирлаштириб комбайн яратиш ниятлари ҳам йўқ эмас.

Комсомолобод туманига қарашли Мирзааҳмедов номидаги давлат хўжалигида бўш ётган эски клуб биноси таъмирланиб, тикувчилик цехи очилди. Бу ерда 60 нафар чевар ишни бошлаб юборди. Улар болалар кийим-кечаги, кўрпа-тўшак, чойшаб ва бошқа буюмлар тикишмоқда.

● **Шаҳрисабз консерва заводи жамоаси маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик режасини бажарди.**

Йил бошидан буён 122 миллион 360 минг шартли банка консерва ишлаб чиқарилди.

Корхонада ҳозир 130 турдаги консерва маҳсулотлари тайёрланмоқда. Айниқса истеъмолчилар томонидан томат, пастаси, мева шарбатлари, сабзавот, помидор, бақлажон, бодринглардан тайёрланган консерваларга талаб катта.

— Йил охиригача яна 1,5 миллион шартли банка, яъни қўшимча равишда 50 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқармоқчимиз, — дейди завод директори Сафар Эштўхтаев. — Бу бозор иқтисодиёти шароитида эл дастурхонини озиқ-овқат маҳсулотларига сероб қилишда аҳамиятга эга.

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА: М. М. Хайруллаев Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ, Беруний номидаги Шарқшунослик институтларида директор, ЎзФА Президиумида ижтимоий фанлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган. 1970—1975 йилларда Шароф Рашидов раҳбарлигида Ўзбекистон КП Марказий Комитетида аввал маданият, сўнг фан бўлимининг мудири лавозимида хизмат қилган.

Музаффар Хайруллаев халқаро илмий анжуманлар иштирокчиси, Ўзбекистон ФА академиги, Ўзбекистонда ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний мукофотининг совриндори, Фалсафа ва маданий меросни ўрганиш соҳасида йирик ва таниқли олим. Музаффар Хайруллаев Иброҳим Мўминовнинг яқин ва илк шогирдларидан биридир.

Ўзбекистоннинг илмда, тафаккурда, маънавиятда мустақиллиги учун курашган, ўз тинчини ўйламай, қадриятларимизни халқига яқинлаштиришга интилган олимлар жасоратини доимо эзозлаш даркор. Ҳукмрон Компартия мафкураси ва сиёсати талабларидан чекиниб, бундай жасоратга бел боғлаганларга имкон яратган ҳақиқатпарвар раҳбарлар мардлиги ҳам таҳсинга сазовордир.

Бу мақола Амир Темур ҳақиқати учун курашнинг ёрқин саҳифаси ҳақида...

Шароф Рашидов маънавиятининг бир хислати ҳақида...

Академик Иброҳим Мўминовнинг илмий жасорати ҳақида...

ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ЖАСОРАТИ

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР РИВОЖИГА, БОЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНИШГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН АТОҚЛИ ОЛИМ ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ТАВАЛЛУДИГА КЕЛГУСИ ЙИЛИ 85 ЙИЛ ТЎЛАДИ

Иброҳим Мўминовнинг қаламига мансуб бўлган «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги роли ва ўрни» китобчаси 1968 йил 5 июнда Ўзбекистон Фанлар академияси Президиуми қошидаги Кенгашда қилинган илмий маърузанинг матнидан иборатдир. Бу Кенгашда академиянинг айрим раҳбарлари, турли институтлар, айниқса ижтимоий гуманитар бўлимнинг институтларидан академик, мухбир аъзо, фан докторлари ва номзодлар қатнашиб, маърузани кенг муҳокама этишган ва ижобий баҳолашган, қимматли таклифлар, маслаҳатлар айтилиб, у нашрга тавсия этилган эди. Маслаҳатлар ва муҳокаманинг натижалари назарга олинган ҳолда маъруза матни рус ва ўзбек тилларида ўша йили «Фан» нашриётида алоҳида китобча шаклида чоп этилди.

Бу воқеа республикамизнинг кўп зиёлилари, фан ва адабиёт вакиллари эътиборини ўзига жалб этди. Чунки, у республика ва Иттифоқ тарих фани учун кутилмаган, ниҳоятда дадил, ўша пайтда совет фанида ҳукмрон бўлган мулоҳазадан, социалистик мафкура талабидан ўзгароқ мавқега эга ҳодиса бўлди ва илиқ кутиб олинди. Китобчанинг кириш сўзида бир йилдан сўнг — 1969 йилда Самарқанднинг 2500 йиллиги нишонланиши, республикамизда ЮНЕСКОнинг Марказий Осиёда Темурийлар даври санъатини ўрганишга бағишланган халқаро конференцияси ўтказилиши ва шу муносабат билан олимлар олдида қатор муҳим вазифалар турганлиги қайд этилади. Булар китобчанинг, айниқса янги талқиндаги китобчанинг шу йили нашр этилишига сабаб эмас, шунчаки баҳона эди, холос. Аслида бундай китобча бирданига эмас, аввалдан чуқур ўйлаб, жиддий мулоҳаза натижасида пайдо бўлган, деб ҳукм қилиш ўринлидир. Марксча-ленинча мафкурага асосланган совет тарих фанида Амир Темур «босқинчи», «золим», «халқни қақшатган қонхўр» деган турли салбий таърифлашлар батамом ҳукмрон бўлган бир шароитда И. Мўминов биринчи бўлиб Темурни илмий, объектив ўрганиш, унинг турли соҳадаги фаолиятига тўғри, изчил баҳо бериш масаласини кўтариб чиқди. Бу ўша шароитда ўз даври учун жасурлик, масалани холисона ўта кескин қўйиш эди. Бунгача ҳеч қайси олим бу ишга журъат эта олмаганди.

Иброҳим Мўминов ўзи бошлаган ишни изчил давом эттирган, ҳолда «Темур тузук»ларининг («Уложение Тимура») инқилобдан олдинги рус нашрини «Фан» нашриётига қайта кўпайтириш (1968 йил), Темур даври ва фаолияти ҳақида XV аср бошида ёзилган муҳим манба — Шарофиддин Али Яздий қаламига мансуб «Зафарнома» асарининг факсимиле нусхасини нашр (1972 йил) этишнинг асосий ташаббускори бўлди.

Ўзбекистонда Иброҳим Мўминовнинг бу фаолияти, унинг Темур ҳақидаги китобчаси ва ишлари жамоатчилик томонидан ижобий кутиб олинди. Лекин айрим шахслар И. Мўминовнинг бу саъй-ҳаракатидан унга қарши курашда фойдаланиш ҳаракатига тушдиларидан хабардор бўлмаслиги мумкин эмасди. Чунки республикамизнинг ғоявий-маънавий ҳаётининг ичида бўлиш, у билан яқиндан ошнолик Шароф Рашидовдек раҳбар учун ҳам фарз, ҳам қарз, унинг асосий вазифаларидан эди. Қолаверса, Иброҳим Мўминов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси ҳам эди. У узоқ йиллар давомида Ўзбекистон Фанлар академиясида ижтимоий-гуманитар фанлар мажмуи раҳбари бўлиб ишлаган, шу фанлардаги аҳволга масъул ҳисобланган, Шароф Рашидов у кишини Самарқанд Давлат университетида ўқиган 40-йиллардан бери яхши танирди. Маълумки, Шароф Рашидов маънавий қўлами ниҳоятда кенг, илм-фан, маданиятнинг ижтимоий аҳамиятини жуда яхши билган, олим, санъаткорларга ўта эътиборли, ўз халқининг маънавий юксалиши учун бутун билими, кучини аямаган халқпарвар, ватанпарвар раҳбар эди.

Иброҳим Мўминов ниҳоятда тадбиркор, чуқур ўйлаб, обдон пишириб иш бажарадиган доно одам эди. Бошланишда Темурни ўрганиш, у ҳақидаги ишларга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аралашмагандек, бундан бехабардек эди. Москвадан таъқиб ва тазйиқ кучая бориб, масала жиддийлаша бошлагандан сўнг республика партия раҳбарияти кичик бир қарор қабул қилишга мажбур бўлди ва бу билан «масала» ёпилди. Лекин Амир Темур ҳақида И. Мўминов олиб борган ишлар, тадбирлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интилган Тошкент ва Москвадаги айрим шахслар, раҳбарлар қилмиши унинг маънавий вазиятига, руҳиятига, саломатлигига салбий таъсир кўрсатди.

Академик Иброҳим Мўминов.

лар. Китобча автори Темур фаолиятини «идеаллаштириш», унга ғайриилмий ёндошиш, сиёсий ғоявий хатога йўл қўйишда айбдор қилиб кўрсатишга бўлган уринишларнинг авж олишига сабабчи бўлди. Бу ишга Москвадаги айрим илмий-текшириш институтларининг раҳбарлари, тарихчилар, КПСС Марказий Комитетидаги баъзи раҳбар ходимлар ҳам жалб этилди. Бунинг натижаси сифатида ҳатто 1978 йилда Москвада рус тилида чиқадиган иттифоқ илмий журналида бир тошкентлик муаллиф, сўнг, «Вопросы истории» журналининг бир сонида рус муаллифи, фан номзоди имзоси билан Амир Темурнинг тарихдаги ролини илмий ўрганишга бағишланган мақола нашр этилди. Бу мақолада юқорида қайд этилган Темур тўғрисидаги китобча кескин танқид остига олиниб, И. Мўминов тарихни сохталаштиришда, Темурни идеаллаштиришда айбланди. Москвадаги партия раҳбарлари иштирокида мафкура масаласига бағишлаб ўтказилган бир йиғилишда ҳам бу ҳақда айтиб ўтилди. Москвада чиқадиган қатор марказий журнал ва газеталарда Темурни тилга олган ҳолда ўтмишни сохталаштирмаслик ҳақида умумий насиҳатомуз мақолалар ҳам нашр этилди. Москвадан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига бу масала юзасидан чора кўриш тавсия қилинди.

Албатта, республикада, унинг ғоявий ҳаётида рўй бераётган воқеалар, янгиликлар партия раҳбарияти, республика Компартияси Марказий Комитетининг эътиборида бўлишлиги ўша давр учун табиий бир ҳол эди.

Шароф РАШИДОВ Иброҳим Мўминовнинг фаолияти, олиб бораётган ишларидан, жумладан Темур ҳақидаги нашр ва мулоҳаза билан ёнма-ён туриб, фан учун хизмат қилди. У 50-йиллар охирида ва 70-йилларнинг биринчи ярмида нашр этилган фалсафа, Ўзбекистон тарихи, адабиётшунослик, маданиятга оид жуда кўп асарлар, дарсликлар, тўпламлар, жумладан кўп томли китобларнинг муаллифи, ташкилотчиси ва раҳбаридир. Унинг бевосита бошчилигида шу соҳалар бўйича республикамизда турли Бутуниттифоқ ва халқаро симпозиумлар, конференциялар бўлиб ўтди. И. Мўминов маданиятимиз ривожида муҳим роль ўйнаган Ўзбек энциклопедиясининг асосчиси ва бош муҳаррири ҳамдир.

Икки аллома — И. Мўминов ва Т. Қориниёзий.

Мамлакатда ҳукмрон бўлган мафкуравий, ғоявий бирёқламаликка асосланган бундай иғво, ноҳақ туҳматлар Иброҳим Мўминовга ниҳоятда оғир ботди. У кишининг виждони, қалби, онги ноҳақ гапларни, шахсий мақсадларини ўз халқи маънавий манфаатларидан устун кўрувчи шахслар фалсафасини сингдира олмади. 1974 йил 22 июлда узоқ давом этмаган касалликдан сўнг Иброҳим Мўминов вафот этди.

У тарихни илмий ёритиш, миллий қадимги тарихга илмий ёндашиш, ҳақиқий маданий меросни тиклаш, мустақил фикр юритиш учун курашнинг қурбони бўлди.

* * *

И. Мўминов Бухоро вилоятининг Тезгузар қишлоғида оддий деҳқон оиласида туғилиб, катта давлат ва фан арбоби даражасигача бўлган мураккаб йўлни босиб ўтди. 1931 йили Самарқанддаги Ўзбек Давлат педагогик академиясини тугатиб, Самарқанд университетида кафедра мудири ва профессор бўлиб ишлади. 1955 йили олим Тошкентга, Ўзбекистон Фанлар академиясига таклиф этилди ва шундан эътиборан унинг ҳаётида янги давр бошланди.

У Ўзбекистонда фалсафа соҳасида биринчи фан доктори сифатида республикада фалсафа илмининг ривожига асос солди. Ўзбекистон Фанлар академияси таркибида Фалсафа ва ҳуқуқ институти очишнинг ташаббускори ва биринчи директори бўлди. И. Мўминов ўзининг «Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари» асари (1946) ва «Ўзбекистоннинг XIX аср охирида ва XX асрнинг бошларидаги ижтимоий-фалсафий фикрлари тарихидан» докторлик иши билан Ўрта Осиё халқлари фалсафий меросини, ижтимоий-сиёсий ва фалсафий тафаккури тарихини ўрганишни бошлаб берди. Сўнгги йилларда бу йўналиш республикамизда кенг авж олди.

И. Мўминов Ўзбекистон Фанлар академиясида вице-президент лавозимида ишлаганида унинг олимлик, раҳбарлик, ижодкорлик фазилатлари, ажойиб истеъдоди айниқса, ёрқин намоён бўлди, у ижтимоий-гуманитар илмларнинг ташкилий мустаҳкамланиши, кенгайиши, мутахассис илмий кадрларнинг кўпайишига катта ҳисса қўшди. Ҳабиб Абдуллаев, Убай Орипов, Обид Содиқов, Саъди Сирожиддинов каби атоқли олимлар билан ёнма-ён туриб, фан учун хизмат қилди. У 50-йиллар охирида ва 70-йилларнинг биринчи ярмида нашр этилган фалсафа, Ўзбекистон тарихи, адабиётшунослик, маданиятга оид жуда кўп асарлар, дарсликлар, тўпламлар, жумладан кўп томли китобларнинг муаллифи, ташкилотчиси ва раҳбаридир. Унинг бевосита бошчилигида шу соҳалар бўйича республикамизда турли Бутуниттифоқ ва халқаро симпозиумлар, конференциялар бўлиб ўтди. И. Мўминов маданиятимиз ривожида муҳим роль ўйнаган Ўзбек энциклопедиясининг асосчиси ва бош муҳаррири ҳамдир.

Ўзининг илмий ва ташкилотчилик фаолиятида И. Мўминов, айниқса миллий маданиятимиз ва унинг негизи бўлмиш Ўрта Осиё халқлари маданий меросини ўрганишга ниҳоятда катта эътибор берди. Унинг раҳбарлигида ўтмиш маданий меросимизнинг буюк намоёндалари Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Бобур, Фурқат, Муқимий, Дониш кабиларнинг асарлари кенг ўқувчилар оммаси учун нашр этилди. Улар ҳақида рисола, китоблар тайёрланди, кўпларининг юбилейлари ўтказилди.

Олимнинг бевосита бошчилигида фалсафа соҳасида саксондан ортиқ кандидатлик ва йигирмадан кўпроқ докторлик диссертациялари ёқланди. Иброҳим Мўминов академик, вице-президент, Олий Совет депутати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, «Билим» жамияти раиси, Ижтимоий фанлар журнали редактори, Ўзбек энциклопедиясининг бош редактори ва бошқа турли лавозимларда бўлишига қарамай ҳамма учун бир хил, эътиборли, у кишининг хонаси ҳамма учун ҳар доим очиқ эди. Бу хонага кирган одам иши битиб, мамнун бўлиб чиқиб кетарди.

Ажойиб олим, жонкуяр устоз, адолатли раҳбар сифатида юқори маданият ва мустаҳкам ирода эгаси И. Мўминов ўзига ҳам, бошқага ҳам ниҳоятда талабчан, қаттиқ интизом тарафдори, эди бу йўлда биринчи бўлиб ўзи намуна кўрсатарди. Лекин шу билан бирга бошқаларга, айниқса, ёшларга ғамхўр, ёрдам қўлини чўзишга тайёр, ночорга кўнгилчанг, эътиборли, бағри кенг, олижаноб инсон эди. Биз шогирдлари у кишини эзозлаб «домла» деб атардик. И. Мўминов фаолияти ва тафаккурининг муҳим хислатлари—изчиллик, мустақиллик, эътиборлик, чуқур ва асосли билим, кенглик эди. У ҳар доим мустақил фикр юритар ва ўз фикрида қатъий туриб, уни изчил амалга оширарди.

1993 йилда Иброҳим Мўминов таваллудига 85 йил тўлади. Унинг фанимиз, маданиятимиз учун қилган хизматини биз ҳеч қачон унутмаймиз. Республикамизнинг мустақиллиги, бой миллий мерос, миллий маданиятимиз учун курашга домламиз қўшган ҳисса улкандир. У киши Темур фаолиятини илмий жиҳатдан ёритиш зарур деб билди, бу тарихий шахснинг юзага чиқишини унинг улкан фаолиятига холисона ёндошиб рўёбга чиқишини олдиндан кўра билди. Олимнинг эзгу орзуси фақат Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви шарофати билан юзага чиқди.

Музаффар ХАЙРУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги.

• *Журналист ён дафтаридан*

ИСТИҚЛОЛ РИЗҚИ



БИР ПАЙТЛАР биноларимиз пештоқида «Пахта ўзбек халқининг миллий бойлиги» деган шиорлар бўларди. У кимларгадир ёқмади, шекилли олиб ташлашди.. Коммунистик мафкура таълимотига кўра, «оқ олтин» фақат ўзбекники эмас, олис шимолдаги чукчанинг ҳам бойлиги эди-да!

Ана шу ақида асосида осмон билан бўйлашган «оқ олтин» тоғларимиз хомталаш бўлди. Ўзимиз емадик, ичмадик, киймадик, бошқаларни едириб-ичирдик, кийинтирдик. Миллион чаноқларга эгилган халқнинг сира бири икки бўлмади, меҳнат ва машаққатдан ўзга нарсаси кўпаймади. Тириклигида ўзига кафанлик олиш илинжида ижроқўм остонасида сарғайиб турган кекса оталару оналарни эсласам, вужудимда ўт ловуллайди. Ахир бу қандай кўргуликки, миллион-миллион тонна пахта етиштирган халқ бир қарич сурпга зор бўлса?!

Истиқлол халқимнинг бойлигини ўзига қайтарди. Энди истиҳоласи, ҳайиқмасдан «Пахта ўзбек халқининг миллий бойлиги» дейиш мумкин.

Пахта ҳамиша қадрланган. Энди унинг қадри янада кўтарилди. Чунки «оқ олтин» истиқлол учун, истиқлолимизни мустаҳкамлаш учун ғоят зарур хом ашёга айланди. Ёшлигимизда момоларимиз сўйлаб берган эртакларда афсонавий Ғирот бўларди. У эгаси мушкул аҳволга тушган кезларда қанот чиқариб соҳибини эсон-омон манзилга элтиб қўяди. Бугун пахтамизни ана шу Ғиротга ўхшатдим: халқимизни бозор бўҳронлари гирдобидан у олиб чиқади.

Шундай дейману лекин юрагим аллақандай ҳадикдан сесканади. Қандайдир нидо отилиб чиқади: Оролни қуритган, халқ бошига не-не уқубатларни солган шу пахта эмасми?

Кўз ўнгимдан ўнлаб, юзлаб, минглаб одамлар ўтади. Барининг тақдири пахтага боғлиқ. Уларнинг бахти ҳам, кулфати ҳам — пахта. Жиззахлик механизатор Тожихон аянинг фожеасини биринчи бор қаламга олаяпман.

ТОЖИХОН ая саккиз фарзандидан ажралди. Гўдаклари турмади — бир ойлик, икки ойлик, олти ойлик бўлиб оламдан ўтаверди. Она учун бундан ортиқ азоб, даҳшат борми? Жигарпораларига тангри ҳаёт берди, нега умр бермади? Нега? Нега? Саволсимон қалб қичқириғига жавоб кейинчалик топилди — онанинг кўкрак сутидан заҳри қотил — бутифос чиқди. Тожихон ая механизатор эмасми, ҳар йили пуркагич трактори билан ғўзани дефолиация қилар, бутифос сепарди...

Мирзачўл районидаги 21-«А» совхози собиқ директори Сайдулла Синдоров ҳақида ҳаётлигида ёзаолмаганман ва бунинг учун унинг руҳи олдида ҳамиша қарздорман.

— Мен чўлга шуҳрат эмас, меҳнат излаб келганман, — деб ёзишимга рўйхушлик бермасди раҳматлик.

Бу улуғ инсон бутун умрини Мирзачўл ва Жиззах даштини боғу бўстонга айлантиришга сарфлади. Чўлда нимаики лавозим бўлса барида ишлаб кўрди: сувчи, бригадир, агроном, бўлим бошқарувчиси, совхоз директори... Пахтанинг пири эди. Йил оғир келадими, енгил келадими барибир — режани дўндирарди. Республикада хизмат кўрсатган пахтакор унвонини олди. Қаҳрамонликдан бошқа барча нишонлар соҳиби бўлди. Ҳаётининг сўнгги йилларида вилоятдаги энг қолоқ хўжаликка раҳбар этиб тайинланди. Ўн йиллар мобайнида чўкиб, адойи-тамом бўлган хўжаликни уч йилда оёққа турғазиб, вилоятдаги илғор совхозлар қаторига чиқариб қўйди. Мана буни чинакам раҳбарлик санъати деса арзийди.

Сайдулла ака ишлаб чарчамасди. Фидойи инсон ҳатто азиз жонини пахта учун қурбон қилганини билмай қолди — терим айни қизиган пайтда бехос ёққан қор даладаги пахтага эмас, Сайдулла аканинг эллик ёшга ҳам етмаган умрига зомин бўлди. Қаттиқ шамоллаб, бедаво дардга чалинди...

Сайдулла ака яйдоқ чўлга келиб, уни ўзлаштириб, боғу—бўстонга айлантириб, ўша ердан мангу макон топди. У билан ишлашган, уни яхши таниган, ҳурмат қилган, эъзозлаган кишилар Сайдулла Синдоров хотирасини абадийлаштириш, у раҳбарлик қилган хўжаликка номини бериш юзасидан саъй-ҳаракатлар қилишаётганини эшитиб мен ҳам жуда севиндим. Бинобарин, Сайдулла ака бундай эҳтиромга жуда муносиб инсон. Афсуслар бўлсинки, Мирзачўл райони ва Жиззах вилояти раҳбарлари бу савоб ишни негадир маъқулламаётир...

ПАХТА ва инсон тақдирига оид яна бир воқеа хотирамда муҳрланиб қолган. Орадан тўрт-беш йил ўтса-да кечагидай эсимда. Пахтакор районидаги Ульянов номли совхоз энг қалоқ хўжаликлардан бири бўлиб қолганди. Қандай йиғилиш, қандай кенгаш бўлмасин шу хўжалик «саваланарди». 85-йилда Қулмирза Қамбаров директор бўлдию гўё мўъжиза рўй берди. Режалар ортиғи билан бажариладиган, одамлар жарақ-жарақ пул оладиган бўлиб қолди. Сир нимада? Сир шунда эдики, янги раҳбар ўша пайтда энди таомилга кираётган пудрат усулини кенг қўллаган, одамларга эмин-эркин ишлаш ҳуқуқини берган эди. Натижада ишлар ўз-ўзидан олға силжиб, хўжалик номи овоза бўлди. Аммо бошқача «сир» қидирувчилар ҳам топилди. «Пахта иши» авжга чиққан йиллар эдики, тирноқ остидан кир топишди.

1987 йил хўжалик вилоятда биринчилар қатори режани бажарган куни табриклаш учун бордим. Қулмирза ака билан суҳбатлашиб, янги режалар ҳақида гурунгласиб ўтирибмиз. Бир пайт партком секретари кириб келди. Ранг-қути ўчган.

— Бюронинг қарорини олиб келдим, партбилетни топширар экансиз, — деди у ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач.

Осмон қулаб тушгандай бўлди. Ўртага узоқ сукунат қўнди. Қани энди бировимиздан садо чиқса. Ўнғайсизланганимдан пешонамни совуқ тер босди. Бундай ҳолатга биринчи бор дуч келишим — нима деб юпанч сўз айтишни ҳам билмайман. Қулмирза аканинг хаёлидан нималар кечди менга қоронғу, лекин у нимадир демоқчи бўлдию, бўғзига тиқилган хўрсинишдан гапиролмаганини аниқ сездим.

Ўша кезда партбилет, бу — лавозим, обрў, ундан ажралиш эса қамоқхона дегани эди.

Баъзан инсон қайғусига табиат ҳам ҳамдард бўлади, осмон йиғлайди. Шу оқшом ёмғир тинимсиз ёғди. Эрталаб кўз очиб қарасам, Қулмирза ака жойида йўқ.

— Акангиз, пахтадан хабар олайин деб, барвақт туриб далага кетдилар, — изоҳ берди уй соҳибаси.

Во дариғ! Юрагига қил сиғмаган пайтда ҳам пахтани ўйлаганини қаранг!..

Орадан кўп ўтмай уни ишдан олишди, терговлар, маломатлар, камситишлар, сарсону-саргардонлик бошланди. Икки йил давом этди, бу азоб-уқубатлар. Хайриятки, ёруғ кунлар келиб қолди. Адолат тантана қилиб, айбсизлики исботланди. Энди уни Дўстлик районидаги Қосим Раҳимов номли совхозга раҳбар этиб тайинлашди. Мана икки йилдирки, хўжалик ҳар соҳада илғор. Сир нимада?

Сир шундаки, Қулмирза Қамбаров иш кўзини биладиган, халқпарвар раҳбар...

Ҳар қалай фикрим тўғри чиқди. Яқинда Дўстлик район халқ депутатлари сессиясида Қулмирза Қамбаров район ҳокими этиб сайланди.

Мана, пахта билан боғлиқ уч инсон тақдири. Бизнинг элимизда пахта шунчаки хом ашё эмас. У йигирма икки миллион одамнинг тақдири—дарди, ташвиши ва бойлиги. Шунчаки оддий бойлик эмас, миллий бойликдир. Бу эса истиқлолимизнинг ризқи-рўзи демакдир.

Норбобо ШАКАРОВ.

Норбобо ШАКАРОВ 1947 йилда Самарқанд вилоятининг Қўшработ районида туғилган. ТошДУ журналистика факультетини битирган. Иш фаолиятини совхоз ишчиси, тракторчиликдан бошлаган. «Ленин учқуни» ва «Қишлоқ ҳақиқати» газеталарида қаламини чархлаб, тажриба орттирди. «Халқ сўзи» газетаси ташкил топган кундан бўлим муҳаррири вазифасида ишлади. Унинг иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа мавзулардаги мақолалари муштарийлар томонидан яхши кутиб олинган. Ҳозир у «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятида вилоят мухбирлари билан ишлаш редакциясининг мудиридир.

ТЕРМИЗ — ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ЧОРРАҲАСИ

Сурхондарё вилояти. Жаҳонининг 60 мамлакати ўз маҳсулотини Термиз орқали савдога чиқаради. Шу боис бугунги кунда «Термизташқитранс»нинг юмуши бисёр. Йилига 1,5 миллион тонна ҳар хил юклар ташиб берилмоқда. Ўзбекистонгина эмас, балки бутун Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳам маҳсулотларни шу жойдан олиб ўтишади. Айниқса, бугунги кунда мол айирбошлаш усули кенг қўлланилмоқда.

Суратда: 1. Юк ортиш-туширишмашинаси ҳайдовчиси Ҳ. Ҳидиров. 2. Термиз «Ташқитранс» базасида юк тақсимлаш.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

«Обуна—93»

БИР КОРХОНАДА 200 ОБУНАЧИ

Ўрта Осиё электр жиҳозлари илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси кейинги пайтда хорижий мамлакатлар фирмалари билан ҳам алоқаларни кенгайтириб бормоқда. Швеция, Италия ва Германия сингари давлатларнинг етакчи фирмалари Ўзбекистон ишбилармонларига ишлаб чиқаришни замонавий технология билан янгилашда яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Айни пайтда корхона ўз маҳсулотларини хорижий мамлакатларга экспорт ҳам қилмоқда. Хитой, Вьетнам, Ҳиндистон сингари Осиё давлатларига истеъмол учун зарур бўладиган электр жиҳозлари етказиб берилмоқда. Бирлашма маъмуриятининг ташаббуси билан яқинда Тошкентда МДҲ давлатлари йирик корхоналари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашувда хўжалик алоқаларини қайтадан тиклаш имкониятлари муҳокама қилинди, ўзаро фойдали шартномалар имзоланди.

Барқарор фаолият кўрсатаётган бирлашмада бозор иқтисодиёти шароитида ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга ҳам алоҳида эътибор берилаётир. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши ҳозир бу ерда 4,5-5 минг сўмни ташкил этяпти. Бунга қўшимча ҳар ойда маошнинг 80 фоизи миқдорида мукофот пули ҳам бериляпти. Корхонада бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш тартиби жорий этилган. Масалан, армия хизматини ўтаб, корхонага қайтган йигитларга 1000 сўмдан, ёшларнинг тўйларини ўтказиш учун икки минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Моддий ёрдам билан бирга маънавий кўмакнинг ҳам аҳамияти ва яхши тушунган ҳолда ишчи ва хизматчиларимизни республика газета ва журналларига бепул обуна қилиш имкониятларини ҳам ўрганиб чиқаяпмиз, — дейди бирлашма бош директори А. Алимбоев. — Кейинги пайтда «Ўзбекистон овози» газетаси ҳам тубдан ўзгариб ўқимишли рўзномалар қаторидан жой олди. Бирлашма маъмурияти шуни ҳисобга олиб келаси йил учун «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига 200 нафар ишчи-хизматчини бепул обуна қилди.

А. БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози»га ёзилдингизми? Йиллик обуна муддати тугашига уч кун қолди.

ГАЗЕТХОНЛАР МИНГ НАФАРГА КЎПАЙДИ

Наманган вилоят сув хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмаси йирик жамоалардан бири. Кейинги пайтлардаги иқтисодий қийинчилик уларни ҳам четлаб ўтмади. Лекин жамоадаги аҳиллик, ҳамжиҳатлик туфайли бу қийинчилик кун сайин чекиняпти. Муҳими, бу ерда иқтисодий танглик туфайли бирорта одамнинг иш жойи қисқармади.

— Биз ишчиларга мана шундай қийин дамларда ғамхўрлик қилмасак қачон ғамхўрлик қиламиз, — дейди бирлашма бошлиғи Ҳ. Ҳошимов. — Ҳозир ишчиларни ижтимоий ҳимоялашни асосий вазифамиздан бири қилиб олганмиз. Бу борада ички имкониятларимиздан фойдаланамиз. Оддий мисол: кейинги икки йил ичида ишчиларга арзон нархда 10 минг куб метрдан зиёд ёғоч бердик. Ёғочни четдан сотиб олганимиз йўқ, ўзимизда етиштирилган теракдар бўлгани учун ишчиларга арзон тушди. Бундан ташқари кейинги икки йил давомида янги техника сотиб олишдан воз кечдик. Унинг ўрнига эскиларини асраб-авайлаб қишда созлаб ишлатганимиз ва техника ўрнига от-аравалардан фойдаланишга ўтганимиз сабабли анча маблағ тежаб қолинди. Тежалган маблағларни ишчиларни иҳтимоий ҳимоялашга, моддий рағбатлантиришга сарфладик.

Яқинда бирлашма раҳбарияти яна бир хайрли ишга қўл урди. Уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ишчи-хизматчиларнинг истакларини инобатга олиб «Ўзбекистон овози» газетасига имтиёзли обуна ташкил этишга қарор қилинди.

— «Ўзбекистон овози» газетининг мухлислари жамоамизда кўпчиликни ташкил этади, — дейди бирлашма бошлиғи муовини А. Жафаров, — уни фахрийларимиз ва ишчиларимизнинг таклиф-истаклари ҳам кўрсатиб турибди. Биз шуни инобатга олиб «Ўзбекистон овози» газетасига обуна нархининг 50 фоизини бирлашма моддий жамғарма фондидан қоплашга қарор қилдик. Ҳозир бирлашмамизда ушбу газетани 1993 йилда мунтазам олиб ўқийдиган муштарийлар сони мингтага етди. Ўйлайманки, биз имтиёзли обуна ташкил этиб ютқазмадик. Мингта оилага йил давомида нур, зиё кириб борадиган бўлди.

А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• **ЛУҚМА** •

САМОЛЁТ, ШАҲРИМИЗГА ҚЎНИБ ЎТ!

Навоий вилоятидаги муштарийлар республика газета, ҳафтанома, журнал ва ойномаларини 2-3 кун кечикиб олишяпти. Вилоят марказидан олисдаги Томди, Учқудуқ, Конимех районлари ҳамда Зарафшон, Учқудуқ шаҳарларидаги обуначилар эса вақтли матбуот нашрларини бир ҳафтадан кейин ўқиш «бахти»га муяссар бўлишаяпти.

Нега дейсизми? Сабаби битта. Транспорт хизмати қимматлашди, ёнилғи баҳоси ошди. Шулар боис Навоий шаҳрига ҳар куни икки маротаба қатнайдиган самолёт бир рейсга тушиб қолди. У ҳам кундуз соат 2 да. Бу эса тушликдан сўнг дегани. Ахир, тушдан кейин Навоий аэропортига келган матбуот нашрлари кечгача вилоят алоқа бўлимига етиб борармиди? Чунки, аэропортдан вилоят марказигача яна бир транспорт воситаси 13-14 километр йўл босиши керак-да. Хуллас, ишлар шунақа...

Бундан бир ойча муқаддам «Тошкент — Навоий» ҳаво йўлида эрталабки қатнов мавжуд эди ва бунда матбуот нашрлари вилоят ва шаҳар алоқа бўлимига соат тўққизларга қадар етиб келарди. Натижада кўпчилик районлар муштарийлари шу қунги газета журналларни бемалол олиб ўқишарди. Энди эса улар кундалик янгилик ва хабарларни вақтида ўқишолмай овора.

— Обуна пайтида газеталарни кечикиб олишлик муштарийларнинг келаси йил учун марказий нашрларга ёзилишига салбий таъсир кўрсатмоқда, — дейди навбаҳорлиқ муштарий Абдурашид Қаландаров. — Мен амалдаги йил учун ҳам, келаси йил учун ҳам «Ўзбекистон овози» газетасига обуна бўлганман. Аммо уч — тўрт кунлаб газета кутаман.

Ҳа, худди шу — обуначиларнинг ранжиётгани боис келгуси йил нашрларига ёзилиш вилоятда ночор аҳволда. Айниқса ҳафталаб газета бормаётган Учқудуқ, Томди районларида матбуот нашрларига ёзилиш яхши эмас.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» компаниясидаги мутасадди раҳбарлар «Тошкент — Навоий» йўналишидаги самолёт қатновининг эрталабки рейсини қайта тиклаш ҳақида ўйлаб кўрсалар, айни муддао бўларди.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Украина:

АЛВИДО, РУБЛЬ!

КИЕВ. (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири Игор Грушко хабар қилади).

Украина Республикаси Президенти Леонид Кравчук имзо чеккан фармонга биноан 13 ноябрь кеч соат 23 дан бошлаб мамлакатда пул тизими ислоҳотини ўтказиш бўйича барча ташкилий, техникавий ва бошқа тадбирлар амалга оширила бошланди. Миллий телевидение орқали нутқ сўзлаган давлат раҳбари чоршанба куни кечқурун ушбу муҳим сиёсий янгиликни маълум қилди.

Мамлакатнинг бутун ҳудудида ягона қонуний тўлов воситаси сифатида эндиликда Украин карбонавеци амал қилади. Нақд муомалада эса Украина миллий банкининг янги пул бирликлари ишлатилади. Украина халқ хўжалиги субъектлари орасида рублда тузилган хўжалик, савдо-сотиқ, молия-кредит ва бошқа шартномалар украин карбонавеци воситасида давом эттирилади, Украинанинг барча ҳуқуқий ва моддий субъектлари бошқа давлатлар билан алоқаларни давлатлараро имзоланган халқаро битимларга мувофиқ халқаро савдо-сотиқ ва банк амалиёти тартибида амалга оширади.

Пул ислоҳоти икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда янги пул бирликлари нақд тўловсиз муомалага киритилади ва украин карбонавеци асосида миллий пул тизими барпо этилади. Иккинчи босқичда эса мамлакат иқтисоднётини мўътадиллаштириш ва туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш чоралари ўзини оқлагач, гривна (танга) муомалага чиқарилади. Украин карбонавеци янги пул бирлиги сифатида фақат корхоналар ва бошқа хўжалик субъектларигагина нисбатан амал қилади. Леонид Кравчукнинг таъкидлашича, бунда украина ҳудудидаги барча рус рубллари украин карбонавеци билан тўлиқ алмаштирилади.

Ҳозирча рубль минтақасида бўлган давлатлар билан фойдали хўжалик алоқаларини сақлаб қолиш мақсадида украин карбонавеци рубль билан муносабатда эркин алмашинув мақомига солинади. Эски ёхуд собиқ рублни қайси тартибда алмаштириш Украина миллий банки томонидан белгиланади.

Вазирлар Маҳкамаси ва Украина миллий банки Президент фармонига биноан қарор қабул қилди. Унда Украина ҳудудидаги банк муассасалари, уларнинг тармоқлари ва пул алмаштириш пунктлари 1992 йилнинг 13-15 ноябрида хўжаликлардан ва фуқаролардан янги пул бирлиги билан алмаштириш учун рублни қабул қилиб олади ёхуд уларнинг Украина банкларидаги рублик жамғармалари украин карбонавецига бирга бир нисбатда чекланмаган миқдорда алмаштирилади.

1992 йил 16 ноябрдан бошлаб Украина ҳудудидан ташқарига пул юбориш ва турли тўловларни амалга ошириш Украина миллий банки ва тижорат банклари ҳисобидаги аъзолик жамғармалари орқали амалга оширилади.

Миллий пулнинг муомалага киритилиши билан, деди ўз нутқини якунларкан Леонид Кравчук, Украина давлат қурилишининг янги босқичига қадам қўйди. Мамлакат ўз иқтисодий маконини тўла ҳимоя қила оладиган давлат мақомига эга бўлди.

Леонид Кравчук ушбу ислоҳотни ва барча тадбирларни Украина фуқаролари мамлакатнинг миллий манфаатларига мос келиши учун тўлиғича қўллаб-қувватлайдилар, деб умид билдирди.

(ЎзА).

• БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

КАСОДГА УЧРАШ ХАВФИ

Халқ хўжалигининг бозор иқтисодиёти машаққатлари бошига тушмаган бирон бир соҳаси қолмади ҳисоб. Мана, транспорт хизматини олайлик. Илгари Ғиждувондаги 33-автомобиль корхонаси йирик районнинг барча тармоқларига, аҳолига транспорт хизмати кўрсатарди.

Бир пайтлар бу корхона жиҳозларидиган иш кўлами жиҳатидан вилоятда энг салмоқли ўринларда турарди. Йигирларда корхона шаънига мақтов сўзлари кетмакет ёғилар, кўпчилик моддий ва маънавий рағбатлантириларди. Кейинги иккилантириларда бозор муносабатларига ўтилиши шароитида автокорхона касодга учраш арафасида турибди.

Корхона раҳбари Амин Сафаров бу фикримизга қўшилди.

— Бозор иқтисодиётига ўта борган сайин ҳаёт кечириш, қозон қайнатиш ҳам қийин кечяпти, — дейди у куюниб. — Транспорт соҳасини айтмайсизми! Ёнилғи-мойлаш материаллари нархи кун сайин ўзгариб турибди. Эҳтиёт қисмлар тақчил. Илгари бир дона аккумулятор нари борса 100 сўмдан ошмасди, ҳозир 4,5—5 минг сўм. Автомобилнинг бир дона шинаси 12 минг сўм.

Бу рақамларни эслаганда кишининг бошидан ҳуши учади. Ахир бизда 125 та автобус, 110 та юк машинаси, 42 та такси бор. Ўйлаб қарасак, ҳар чорақдаги харажатларимиз олаётган фойдамиздан ўн чандон ошиб кетяпти. Бундай олиб қаралса, транспортчилар режаларни уддалаб келишяпти. 30 дан зиёд ташкилотга хизмат кўрсатиляпти. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида ушбу ташкилотларга буюртмалар йўли билан 9 миллион сўмлик транспорт хизмати кўрсатилгани фикримиз исботи.

Лекин ҳанузгача бу маблағ корхона ҳисоб-счётига келиб тушгани йўқ. Тўғри, буюртмачига ҳам осон эмас. Битта юк машинасидан фойдалангани учун улар 2—3 минг сўмдан ҳақ тўлашга мажбур бўлишяпти. Бунинг устига уларнинг кўпчилиги иқтисодий жиҳатдан ночор. Айниқса, йўллардан фойдаланиш участкаси, йўл қурилиши ва ремонт корхонаси, Зарафшондаги 5-кон бошқармаси транспортчилардан 1—1,5 миллион сўмдан қарздор бўлиб қолишган.

Шу ўринда савол туғилади: хўш, транспортчилар маошсиз ишлаяптиларми? Очиғи, бунга йўқ, деб жавоб бериш қийин. Негаки, ишчиларнинг ойлик маошида тафовут бўлмаса-да, улар ойлик иш ҳақини вақтида ололмаяптилар. Сабаби — мазкур автокорхонанинг ўзи айрим ташкилотлардан 5 миллион сўм қарздор. Буни қисман қоплаш учун улар давлатдан 3,5 миллион сўм ссуда (қарз) олишган. Бир кун келиб бу қарзни ҳам қайтариш керак.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, автокорхона касодга учраш арафасида турибди. Бунинг устига тармоқ раҳбар-ташкилотларининг эскича буйруқбозлиги, ички имкониятларни ўрганмасдан режалар белгилаши дард устига чипқон бўлмоқда. Шу боис, транспортнинг уловидан тушови қимматлашмоқда.

Корхона ҳовлисини айланганимизда қатор тизилган турли юк машиналари, автобус ва таксиларнинг бекор турганини кўрдик. Ҳозир ҳам жамоада ҳақиқатни очиқ айтишдан чўчиш кайфияти ҳукм сураётганлигидан афсусландик. Айниқса, ҳайдовчиларга қийинлигига ишондик. Қозон қайнатиш учун ҳар ким ўзи ҳаракат қилиши лозим бўлган бу шароитда корхона ишчилари калаванинг учини топишга ҳаракат қилсалар-да, бунга тўла эриша олмаяптилар.

Очиғи, бу ерда «тарки одат, амри маҳол» деганларидек, «юқори»нинг ёрдамини кутиб туришибди. Эндиликда ҳаёт аравангни ўзинг торт, қабилида иш юритишни талаб қилмоқда. Ҳозир ҳамсояснинг товоғига кўз тикиб туришнинг вақти эмас. Тадбиркорлик билан иш юритишнинг мавриди келди.

Автокорхона раҳбарлари буни тўғри тушуниб, тез ҳаракат бошламасалар, лоқайдлик панд бериши турган гап.

Д. БАҲРОНОВ,
Бухоро вилояти.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси—умумхалқ муҳокамасида

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

52-моддада умумхалқ бойлиги — темир йўллар, ҳаво транспорти, автомобиль ва сув йўллари, алоқа воситалари, энергия манбалари, энг муҳим иншоотлар, шаҳар ва қишлоқ коммунал иншоотлари, давлат банклари, тарихий ёдгорлик иншоотлари ва обидалари, етакчи ишлаб чиқариш корхоналари кўрсатилиши зарур деб ҳисоблайман.

ХХ бобда Вазирлар Маҳкамасининг тўла таркиби баён этилиши мақсадга мувофиқдир.

Носир ВАЛИЕВ,
Тошкент райони, меҳнат фахрийси.

* * *

Лойиҳанинг 24-моддасидаги «узвий» сўзи олдига «энг олий» иборасини қўшишни таклиф этардим. 38-модданинг иккинчи ярмида «...ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас» дейилган. Аммо ана шу оз миқдор қанча, биз буни қаердан биламиз?! Шунинг учун «расман белгилаб қўйилган» иборасидан кейин «ва эълон қилинган» деб қўшиб қўйиш зарур. 101-моддада вилоят, район ва шаҳар ҳокимларининг юқоридан тайинланиши айтилган. Менимча, бундай бўлиши мустақил республикамизда демократия принципларига зиддир. 29-моддада рус тилида «обязан» сўзи ўзбек тилига «лозим» деб таржима қилинган. Бу мутлақо нотўғри. Шу моддани «имкониятини яратиб беришга мажбур» деб якунлаш зарур. 92-модданинг 18-бандида «квалификация» сўзи «мартаба» деб юритилган. Квалификация эса малакани англатади.

Орзумурод ҲАМРОЕВ,
Ўзбекистон ХДП Бўка район Кенгашининг иккинчи котиби.

* * *

Лойиҳадаги 90-моддани Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастури ва Низомидаги 31параграфига зид деб ҳисоблаймиз.

Демак, Ўзбекистон Республикаси Президенти партиямиз Раиси бўлиб қолиши керак!

101 нафар Халқ демократик партияси аъзолари номидан:
А. ҲОЖИМАТОВ,
бошланғич партия ташкилоти котиби, район кенгаши ижроия бюроси аъзоси.
Избоскан район, Шерматжон Юсупов номли жамоа хўжалиги.

* * *

I бобда Ўзбекистон Конституцияси қайси даврда хизмат қиляпти ёки қилади, бу социализмнинг ривожланишими ёки ўтмиш даврими — шулар кўрсатилиши лозим эди. 10-моддада «... ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш кўришга ҳақли эмас...» дейилган. Унга «Шу иш услуби мутасадди шахслар томонидан ўрганилиб, халқ манфаати йўлида хизмат қилиш кўзда тутилган бўлса, ҳақли» деган жумла қўшилса. 100-модданинг охирги жумласи «Ҳокимларнинг ваколатлари муддатлари халқ ихтиёри билан белгиланади, деб тузатилиши тарафдориман.

Эргаш АТОЕВ,
Навоий вилояти.

* * *

26-модданинг охирги қисмини «ёзишмаларни ўқиши, телефондаги сўзлашувларни тинглаши таъқиқланади» деб ўзгартирган маъқул. 126-моддани охирги «Агар Олий мажлис Конституцияни ўзгартириш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф бир йил ўтгандан кейингина қайта киритилиши мумкин» деган жумласини лойиҳадан чиқариб ташлаган маъқул.

Ҳабибулла ҲОТАМҚУЛОВ,
Ўзбекистон ХДП Жиззах район кенгаши партия ташкилотчиси.

* * *

28-модданинг иккинчи хат бошидаги сўнгги «мумкин» сўзи ўрнига «чекланади», деб аниқ ёзиш керак. Унинг давомини эса «Давлат, молия, банк тижорат сирлари ва оммага бемаврид тарқаб кетган тақдирда, унинг айбдори, шахси, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар оғир жазога тортилади» деган фикр билан тўлдириш зарур.

Турсун ШУКУРОВ,
журналистлар уюшмаси аъзоси, Қўқон шаҳри.

* * *

37-моддада «иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади» дейилган. Мулкчилик тўғрисидаги қонун билан Асосий қонун ўртасида зиддият бўлмаслиги учун бу модда мулкнинг турли шаклларини кўзда тутган ҳолда қайта кўриб чиқишни тақозо этади. 56-моддада касаба уюшмалари тўғрисида сўз юритилиб, «...касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир», дейилган. Бу моддага «Давлат касаба уюшмаларини тузиш учун барча соҳаларда тенг бўлган ҳуқуқларни оммавий тарзда кафолатлайди», деган жумлани қўшимча қилиш жоиздир.

Қурдош ОДИНАЕВ,
Тошкент Давлат техника университети, Ангрен факультети, сиёсий иқтисод ўқитувчиси.

ДУНЁ ОВОЗИ

Адан нурфазидаги «Сумаа»—1» юк кемасида турган 2000 дан ошиқ сомалилик қочоқларга фавқулодда ёрдам берила бошлади. Қочоқлар яши юзасидан БМТ олий комиссари бошқармаси (ОКБ)нинг хабар беришича, озиқ-овқат ва сув етишмаслиги оқибатида жуда оғир аҳволда қолган одамларни қутқариш учун уч ҳарбий француз кемаси жўнаб кетди.

ОКБнинг билдиришича, «Сумаа—1» Сомалидаги Марк портидан зарур озиқ-овқат ва сув заҳирасисиз йўлга чиққан. У беш кундан буён сузишда давом этмоқда.

●

АҚШ соҳил қўриқчиларининг фазодан олган суратлари гаитиликларнинг Қўшма Штатларга оммавий кўчиб ўтишга тайёргарлик кўраётганликларидан далолат беради, деб хабар қилади РАТА—ТАСС мухбири ишончли манбаларга асосланиб. Сиёсий қатағон ва қашшоқликдан азоб чекаётган Кариб денгизидаги бу мамлакатнинг аҳолиси ана шу мақсадда 610 та қайиқ тайёрлаб қўйган ва яна 107 та қайиқ қурилмоқда. Йўлга ҳозирлик кўраётганларнинг ҳаммаси неласи йилнинг январидан бошлаб ҳокимият тепасига Клинтон маъмурияти келиши муносабати билан АҚШнинг гаитилик қочоқларига бўлган сиёсати ўзгаради, деб умид қилишмоқда.

Сайловдан кейин журналистлар билан учрашувда сўзга чиққан Билл Клинтон Гаитини тарк этаётган сиёсий қочоқларни қайтариб юбориш хато иш бўлганини ва уларнинг мамлакатидаги ҳолатни ҳисобга олиб бу сиёсатни ўзгартириш зарурлигини айтган эди.

●

Елғон гапириш, қаллоблик ва ўғрилинка мойиллик 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган аксарият американлик ўқувчи ва талабалар ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб қолди, дейилади аҳлоқ-одоб институти ташкилоти маълумотномасида. Ташкилот ходимлари томонидан ўтказилган сўров шуни кўрсатадики, юқори синф ўқувчиларининг 62 фоизи ва олий ўқув юртлари талабаларнинг 16 фоизи имтиҳонларда бир марта бўлса ҳам ғирромлик қилганликларини тан олишган. 32 фоиз ўқувчилар ва 16 фоиз талабалар бир марта бўлса ҳам дўкондан ўғирлик қилишганини айтишган. «Биз—деди институт вице—президенти Ральф Векслер тадқиқотни шарҳлай туриб, — қаллоблар гуллаб—яшнаётган ва сиз ўз фарзандингизга ҳалоллик—энг яхши хулқ деб айтолмайдиган жамият қурмоқдамиз».

●

Миср Араб Республикаси хавфсизлик хизмати мамлакатда авж олаётган ислом ақидапарастлигига қарши фаол кураш тадбирларини амалга оширишга киришди. Коҳира матбуотининг хабар қилишича, махсус маҳкамалар яқинда мамлакат Ички ишлар вазирлигининг раҳбарларини, бир неча давлат ва жамоат арбобларини ўлдиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган янги батоллар гуруҳига мансуб олти нафар ақидапарастни қамоққа олдилар. Ташкилотнинг бир неча аъзолари озодликда юргани сабабли полиция маъмурлари қамоққа олинганларнинг кимлигини ва ташкилотнинг номини сир тутмоқдалар. Қамоққа олинганлар ёнидан саккизта автомат, портловчи моддалар ва ташкилот ўлимга маҳкум этган одамларнинг рўйхати чиқди.

(ЎзА).

МУТЛАҚО МАХФИЙ

ОЛИЙ ИЛМГОҲ, ТЕХНИКУМЛАР ВА БИЛИМ ЮРТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ, КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИДА ҚАТНАШАДИГАН МУАЛЛИМЛАР УҚИМАСИН

• ФЕЛЬЕТОН •

Азизжон Раҳматов ўрта мактабни тугатиши биланоқ ўқишга кирмоқчи бўлди. Бироқ билими бўшлиги, имтиҳонлардан ўта олишга ишончи йўқлиги сабабли бир йилча ўйланиб юрди. Нима қилиш керак, наҳотки бирон чора топилмаса?! «Бекорчидан худо безормиш, — дейди савдо соҳасида ишлайдиган келин аяси, — менга ёрдамлашиб тур».

Бу гап Азизжонга маъқул тушди. Келин аяси айтган йўлдан бориб кам бўлмади. Бир йилдаёқ савдосотиқнинг сиру асрорларини билиб олди. Балиқчи район матлубот жамияти бошқарув ҳайъати унга Олтинкўл ҳудудида жойлашган Андижон кооператив техникумига кириш учун ижобий тавсиянома берди. Шундай бўлса ҳам унинг билими ўзига аён эди. Шу боғ қимдир унинг қулоғига шипшиди: қўрқма, болакай, техникумда билими бўшроқ ўқувчиларни қабул қилиш бўйича «мутлақо махфий конкурс» ўтказиларкан.

Азизжон ўзини қўйгани жой топа олмай энтикарди. Унинг иши ўнгидан келди. Ўзбек тили ва адабиётидан ёзган иншосида 25 тадан кўпроқ хато бўлса ҳам ўқитувчи М. Ҳайдаров «1» ўрнига «3» баҳо қўйди. У математика оғзаки имтиҳонидан ҳам «икки» олди. «Саховатли» муаллимлар унинг биринчи имтиҳон қайдномасида «савлат» тўкиб турган «икки»сини имтиҳон варағи ва қайта ёзилган имтиҳон қайдномасига «уч» қилиб ёзиб қўйдилар. Шундай қилиб, Азиз Раҳматов директор Мартаба Дадажонованинг 83-буйруғи билан техникумнинг товаршунослик бўлимига қабул қилинди. Унга 745 сўм стипендия белгиланди.

«Ҳуфия конкурс»да пахтаободлик Баҳодир Ҳасанов билан Абдухалил Умаров ҳам қатнашиб, «совринли» ўринни эгалладилар. Б. Ҳасанов ёзган иншода 22 та, А. Умаров иншосида эса 30 тадан ортиқ хато бўлишига қарамай текширувчи ўқитувчи М. Ҳайдаров уларни «уч» баҳо билан сийлади. Абдухалил Умаров Садриддин Айний сўзини такроран бузиб, «Садридин Айни» деб ёзган. Иншо текширувчининг «мардлиги»ни қарангки, шундай саводсизларча ёзилган иншони ҳам қониқарли деб баҳолаган. «Мурувватли» муаллимларнинг «ғамхўрлиги» туфайли хатсаводлари «ғовлаб» кетган Абдухалил Умаров ҳам, Баҳодир Ҳасанов ҳам техникум талабаси бўлди.

Математика фани бўйича ўтказилган «антиқа конкурс»да ҳам кўпчилик қатнашди. Жалолқудуқлик Яҳё Сирожиддинов математика (оғзаки имтиҳон)дан «икки» олди. У биринчи имтиҳон қайдномасида иккичилар сафида эди. «Ғамхўр» муаллимлар: Файзулла Мирзаев, Лутфулла Турдиев иккинчи марта қайта ёзилган имтиҳон қайдномаси ва имтиҳон варағига «икки» ўрнига «уч» ёзиб қўйганларидан кейин Яҳёбек «пойга»да илгарилаб кетди. (изоҳ: ўзгартирилган имтиҳон қайдномалари вилоят давлат назорати бошқармасининг темир қутисида). Директор опа Яҳёбекнинг бу «муваффақияти»ни муносиб тақдирлади. Уни техникумга қабул қилинган талабалар рўйхатига киритиб, 745 сўм стипендия тайинлади.

Математика бўйича ўтказилган «пойга»да иккинчи мукофот Андижон районидан келган «чавандоз» Нодирбек Турсуновга насиб этди. У «икки» баҳони «миниб» техникум дарвозасидан чиқиб бораётганида раҳмдил муаллимлар йўлини тўсиб: «ҳай, ҳай, андак сабр қилинг, эшитар қулоққа яхши эмас» дейишиб, унинг имтиҳон варағини дарҳол алмаштириб, математика (оғзаки имтиҳон)дан олган «икки»сини «уч» қилиб тузатиб бердилар. Шу «сийлов»дан кейин Нодирбекка техникум эшиклари ланг очилди.

Имтиҳон олган математика муаллимлари А. Турдиев, Ф. Мирзаевнинг ёзма гувоҳлик беришича, Мартаба Дадажонова улардан баҳоларни ошириброқ қўйишни илтимос қилган, рўйхатни эса директорнинг буйруғи билан масъул котиб Х. Матанов техникум котибасига қайта ёздириб ўқитувчиларга қўл қўйдирган. Натижада билими саёз ўқувчилар талабаликка қабул қилинган...

Воажаб! Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган «кашфиёт!» Мартаба Дадажонова «савоб» иш қилдим, деб беҳад хурсанд эди. Антиқа конкурс «ғолиб»лари ҳам қувончларини сир тутиб, чурқ этмай юришарди. Уларнинг ота-оналари бўлса: «Мартабаҳоннинг мартабаси бундан ҳам баланд бўлсин», деб дуо қилишарди.

Лекин ҳайратдан ёқа ушлаганлар ҳам бўлди. Бу қанақаси? Ошна-оғайнигарчилик ҳам эви билан-да! Ўртага учинчи одам қўйишдимикин? Олтинкўлда ана шундай «миш-миш»лару таҳминлар кўпайиб кетди. Худди эртакка ўхшарди бу ишлар. Нима бўлса бўлгандир. Бу ёғи бизга қоронғи. Аёни шуки, иш ҳамиздан қил суғургандек осон битганди. Энди тезроқ қор ёғиб, излар босилса бас!

Афсус... Ҳадеганда қор ёға қолмади. Қинғир ишнинг қийиғи чиқди. Бу яширин операциядан хабар топган бир гуруҳ муаллимлар Андижон вилоят Давлат назорати бошқармасига хат йўлладилар.

Мартаба Дадажонова юқоридан текширишга келган кишилар: Андижон Давлат назорати бошқармаси инспектори С. Жўраева, 10-билим юрти директорининг муовини А. Умаров, 14-махсус мактаб-интернат директори А. Ҳайдаров, Андижон тиббиёт олийгоҳининг доценти Я. Қосимов, Андижон шаҳар халқ маорифи бўлими ходими Э. Нажмиддинов, Олтинкўл район Давлат назоратчиси Ш. Эгамназаровни назар-писанд қилмади, хатто уларнинг текшириш ўтказишига йўл қўймади. Вилоят прокуратураси аралашувидан кейингина сал бўшашди. Комиссия ишни бу йилги қабул ҳайъати фаолиятини ўрганишдан бошлади.

Қабул ҳайъатининг раиси Мартаба Дадажонова ҳужжат топширгани келганлар билан шахсан ўзи суҳбат ўтказди, бу ишга қабул ҳайъати аъзоларини сира аралаштирмади. Бу олий ўқув юртлари вазирлигининг қарорига зид эканлигини ўйламади ҳам.

— Мен қабул пайтида номига масъул котиб бўлиб турдим, — дейди Хазратбек Матанов, — асосий «операция»ни Мартаба Дадажонованинг шахсан ўзи бажарган. Азиз Раҳматов, Нодирбек Турсунов, Яҳё Сирожиддиновнинг «икки» баҳолари «уч» қилиб ўзгартирилганида ҳам қаршилик кўрсатганман. Лекин ўқитувчилар баҳолар тузатилганидан кейин тузилган янги рўйхатга қўл қўйганларидан сўнг мен ёлғизланиб қолдим. Кейинчалик шу даргоҳда ишлашимни ўйлаб, сохта рўйхатга имзо чекишга мажбур бўлдим.

Энди директор Мартаба Дадажонованинг гапини эшитинг:

— Ҳужжат топширгани келган ўқувчилар билан ота-оналари иштирокида ошкора гаплашганман. Иншо текширган ўқитувчи М. Ҳайдаровга бошқа вилоятлардан келган ўқувчиларнинг ишини қараброқ текширинг, деганман, холос. Вилоят давлат назорати бошқармаси томонидан тузилган комиссия текширишида Акмал Раҳимов деган абитуриент ҳужжатсиз, имтиҳонсиз қабул қилинган, дейилган. Кадрлар бўлимининг мудири Маҳбуба Тожибоеванинг айби билан Азиз Раҳматовнинг фамилияси рўйхатда Акмал Раҳимов деб янглиш ёзилиб қолибди. Бу ҳақда унинг тушунтириш хати бор.

Техникумда талабаларни стипендия билан таъминлаш ҳам қўнгилдагидек эмас. Нон, макарон ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўлимининг 1, 2-гуруҳларига апрель, май, июнь, июль, август ойларида, умумий овқатланишни ташкил қилиш ва овқат тайёрлаш технологияси бўлимининг 4, 5, 6, 7 гуруҳларига эса июнь, июль, август ойларида 156 минг сўмдан кўпроқ стипендия пули ва 56 минг сўм купон берилмаган. Фақат талабаларгина эмас, ўқитувчилар ҳам кўпинча маошларини вақтида ололмайдилар. Ваҳолонки, текшириш ўтказилган вақтда техникум хазинасида 81 минг сўмдан кўпроқ пул бўлган. Стипендиянинг вақтида берилмаслиги жумҳурият Президенти чиқарган Фармонлар талабига зиддир.

Мартаба Дадажонова иш юритишни билмаслиги, бирга ишлаётган ходимлар, ўқитувчилар билан келиша олмаслиги, кўпчилик фикри билан ҳисоблашмаслиги, ўзига ёқмаган ходимларни таъқиб остига олиши оқибатида ана шундай аянчли вазият юзага келди. Хўжалик ишлари бўйича директор муовини Жўравой Расулов М. Дадажонованинг қўпол муомаласига чидамай қолганлигини айтди:

— Директор мени ҳам ишдан ҳайдамоқчи бўлди. Бу ерга кўп меҳнатим сингган. Ишим кўпчиликка маъқул бўлмасагина кетаман, дедим. Шундан бери унинг мени кўргани кўзи йўқ. У жамоага таяниб ишламайди. Шошқалоқлик қилиб керакли мутахассисларни ишдан бўшатиб юборди. Улар индамай кетаверишмайди-ку ахир!

Директор иш юритиш режасига, дарсларни таҳлил қилиш, талабалар билан суҳбат ўтказиш дафтариги эга эмас. Режалаштирилган тадбирлар эса бажарилмай қоғозда қолиб кетган. Ўқитувчилар кенгаши ўз вақтида ўтмайди. Техникумда 1992—93 ўқув йили учун талабалар қабул қилиш комиссиясининг иш якуни ҳануз муҳокама қилинмаган.

Булар ҳали ҳолва. Мартата Дадажонова меҳнат қонунларини билмайди. Шу йил сентябрь ойининг биринчи ярмида махсус фанлар ўқитувчиларидан Акром Хуриллаев, Улуғбек Ёқубов, Алишер Аҳмедов, Алишер Йўлчиев, Мадамин Мамадалиев, Зайнобиддин Икромов ва бошқаларни ишдан бўшатиб юборди. Оқибатда ўқув йилининг бошиданоқ дарслар ўтилмай, талабалар бекор юришди. Ҳозир ҳам бу ўқитувчиларнинг ўрни бўш турибди.

Бундан ташқари, меҳнат қонунига хилоф равишда меҳнат таътилига чиққан 4 ўқитувчи, 7 ишлаб чиқариш устаси ва бошқалар ишчи ўрни қисқарди, деган баҳона билан ишдан бўшатилган.

— Мен Афғонистонда хизмат бурчимни ўтаганман, — дейди Зайнобиддин Икромов, — шунга қарамасдан мен ва вилоят давлат назоратига арз қилган ўртоқларга тазйиқ бўлди. Бундай шароитда ишлаб бўлмасди. Ариза ёзиб ишдан кетдим. Қабул ҳайъати аъзоси эдим. Директор бирор марта қабул ҳақида маслаҳатлашмади, йиғилиш ўтказмади.

Мартаба Дадажонова нимагадир иккинчи курс талабаларининг ўқув практикаси вақтида шу соҳанинг бевосита раҳбари, ўз муовини Акромжон Хуриллаевни мажбуран меҳнат таътилига чиқарди. Оқибатда практика ишлари назоратсиз қолди. Режалаштирилган амалий машғулотлар ва ишлаб чиқариш практикасининг тенг ярми ўтилмади. Энг ачинарлиси, у меҳнат таътилидан қайтмасданоқ «қисқартирилди».

Умумий овқатланишни ташкил қилиш ва овқат тайёрлаш технологияси мутахассислигининг 3, 4, 5, 6-гуруҳлари нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш мутахассислигининг 3, 4-гуруҳлари, гўшт маҳсулотлари тайёрлаш технологияси мутахассислигининг 1, 2-гуруҳлари практикаси тематик режа бўйича ўтказилмади. Мазкур гуруҳларнинг талабалари практика якуни бўйича ҳисобот топширмадилар. Практика жойидан тавсиянома ва синов баҳолари олмасданоқ директорнинг буйруғи билан курсдан курсга ўтказилиб, стипендия олувчилар рўйхатига киритиб қўйилди...

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. «Икки» баҳолари тузатилиб, техникумга қабул қилинган талабаларнинг тақдири нима бўлди, дерсиз? Улар ҳануз ўқишни давом эттиришяпти.

Хўш, бу кўзбўямачиликни қандай баҳолаш мумкин? Билими саёз талабаларни саралаб техникумга қабул қилишга Мартаба Дадажоновани нима мажбур қилдийкин? Нима бўлганда ҳам ҳикоямизни шу ерда тўхтатиб, бу даргоҳда содир бўлаётган ҳангоматарга ҳамда Мартаба Дадажонованинг ижодий «кашфиёти»га баҳо беришни «Ўзбекбирлашув» раҳбариятига ҳавола қиламиз.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

СИЗГА ОМАД ЖАНУБИЙ УРАЛДАН КЕЛАДИ...

МИНТАҚАМИЗДА БИРИНЧИ МАРТА

«МЫСЛЬ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ШЛАКОБЛОКЛАР ТАЙЁРЛАШ УСКУНАСИ СОТИБ ОЛИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ



Енгил ва оғир бетонлар учун кўчма қурилмалар: қўлда бошқарилса, соатига 100—160 дона, ярим автомат ҳолатда 200—300 дона.

Муқим ўрнатилган ярим автомат босқол: унумдорлиги соатига 360 донагача. 2 киши ишлайди.

Йилига 5 миллион дона ғишт тайёрлайдиган ускуна, том устига ёпиладиган черепица тайёрлаш линияси босим ва куч билан ҳаракатга келтириладиган бетон қориштиргичлар ишлаб чиқарамиз.

«Мысль» акциядорлик жамияти печ ускуналари етказиб берувчилар ва технология жараёнлари бўйича мутахассислар билан шартнома муносабатлари ўрнатган.

Ҳаракатдаги ускуналар павильони доимий ишлаб турибди, кўргазма — тижорат очилган. Созлаш-ишга тушириш, темир йўлда етказиб бериш ўз ҳисобимиздан. Биздаги нархлар энг арзон нархлар.

...МУДОФАА КОРХОНАЛАРИНИНГ КОНВЕРЦИЯСИ УРАЛЛИКЛАРНИНГ ЮКСАК МАҲОРАТЛАРИ ОМАД КЕЛТИРМОҚДА.

—БИЗ УНИ СИЗ БИЛАН БАҲАМ КУРИШГА ТАЙЁРМИЗ.

454000. Челябинск, Цивиллинг кўчаси, 16, АО «Мысль».
Туну-кун ишлаб турадиган телефонлар: (3512) 33-36-93, 33-19-05, 33-65-06. Факс: (3512) 36-19-24.
Қўшимча маълумотлар учун: Москва, тел. (095) 975-15-41, Факс (095) 975-39-60.
Санкт-Петербург. тел. (812) 292-18-73.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИГА ҚАРАШЛИ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ

РЕСПУБЛИКА ИНКАССАЦИЯ БИРЛАШМАСИ

ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИГА, ВАЗИРЛИКЛАРГА, МУАССАСАЛАРГА, ЖАМОА ҲАМДА ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИГА, ШУНИНГДЕК КИЧИК КОРХОНАЛАРГА, ТАШКИЛОТ ВА ШИРКАТЛАРГА НАМУНАЛИ (ТИПОВОЙ) ШАРТНОМА АСОСИДА САВДОДАН ТУШГАН ПУЛЛАР ИНКАССАЦИЯСИ БЎЙИЧА

ХИЗМАТЛАР КЎРСАТАДИ

Шу билан бир вақтнинг ўзида барча ҳаракатдаги инкассация маршрутларида давлат қимматбаҳо бойликлари тўлиқ сақланишини таъминлайди.

Бирлашма шартномага асосан хўжалик органлари буюртмалари бўйича ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятидан мустақил равишда Марказий банк муассасаларидан олинган иш ҳақларини Ўзбекистон Республикаси барча районлари ва шаҳарларига етказиб беради.

Бирлашма хўжалик органлари буюртмаларига асосан корхоналар ва ташкилотлар кассаларига Давлат қимматбаҳо бойликлари тўлиқ сақланган ҳолда ва ўз вақтида етказилиб берилишини таъминлайди.

Агар бирлашма билан шартнома тузилса, ўз транспорти (темир йўл ва автомобиль) билан Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида заргарлик буюмлари ҳамда қимматбаҳо халқ хўжалиги юкларини етказиб беради.

Бундай шартнома тузиш учун Сиз Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг вилоят бошқармалари ва район муассасаларига мурожаат қилишингиз керак.

Тошкент шаҳридаги манзилгоҳ эса Ўзбекистон проспекти 6-уйда жойлашган.

Телефонлар: 33-63-98, 33-40-64.

TEKNESLS-INFO фирмаси

Тошкентдаги омборхоналардан таклиф этади:

Компьютерлар, Телефонлар, Телефакслар, Стриммерлар, Лазерли принтерлар, Кичик хисоблаш машиналари, Ксероксларда, Сканерлар, Дискетлар, Моделлар, Банкнотларни хисоблаш аппаратларни



Техник хизмат кўрсатиш кафолати берилади

Тошкент, Уйғ Ипак Йўли кўчаси, 63
67 25 57, 67 05 06 FAX (371-2) 54-99-83

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Давлат енгил саноат уюшмаси Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси Бош директори, вилоят директорлар кенгаши раиси А. Аҳмадалиевга опаси

Мухтархон ШОДМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат телерадиокомпанияси Бадиий кўрсатувлар таҳририяти жамоаси режиссёр Б. Юсуповга отаси

Тошпўлат ЮСУПОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими— 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда—3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда —35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70.
Навбатчи муҳаррир: А. БОЛИЕВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—22.20. Г—453. № 226. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.